

«ДЕВОНУ ЛУҒОТИТ ТУРК» АСАРИДАГИ ШЕЪРИЙ ПАРЧАЛАРДА СОЛЕЦИЗМ ҲОДИСАСИ

Бердиев Хусан Холназарович

Ушбу мақолада солецизм ҳодисасининг бадиий нутқда қўлланилишидаги ўзига хосликлар ва унинг тил тараққиёти учун аҳамиятига доир масалалар ёритилган. Муаллиф фикр-мулоҳазалар баёнида туркий тилларнинг муҳим ёдгорлиги – “Девону луғотит турк” материалларига мурожаат этган.

Таянч сўзлар: лингвистик поэтика, поэтика илми тарихи, “Девону луғотит турк”, адабий парчалар, филологик таҳлил, солецизм.

Солецизмнинг синтактик «хато» маъносини ифодалаши, юнонча сўз эканлиги, фикр маъносига путур етказмайдиган нотўғри лисоний бирлик сифатидаги таърифи манбаларда кўрсатиб ўтилади [АГР, 411 ва б.].

Солецизм дастлаб синтактик «хато» маъносида ишлатилган бўлса-да, кейинчалик бу терминдан бадиий асарлардаги синтактик «хато»ни ифодалашда ҳам фойдаланилган. Ҳозирги пайтда, солецизм безарар «хатолик»лар сифатида қаралади. Шунинг учун ҳам унга берилган таърифлар хилма-хил ва бир – бирини тўлдириш хусусиятига эга.

Материал таҳлили солецизм шеъриятда унинг маъносига таъсир этмаган ҳолда турли кўриниш ёки шаклларда намоён бўлишини кўрсатмоқда. Бу шакллар шевага хос бўлиши ҳам, фонетик, морфологик, синтактик (товуш тушуши ёки орттирилиши, эллипсис, сўз тартибининг ўзгариши) хусусиятларга эга бўлиши мумкинлигини ҳам тасдиқлайди.

«Солецизм» термини билан ифодаланиши мумкин бўлган ҳолат шеъриятнинг ҳамма даврларига хос бўлган намуналарда учрайди. Бу эса, бошқа стилистик фигуралар сингари солецизм ҳам қадимий ва ўз тараққиёт йўлига эга бўлган ҳамда қўлланишдаги «камчиликлар»ни тўлдириш зарурияти туфайли юзага келадиган поэтик ҳодиса эканлигидан далолатдир. Бизнинг «Девону луғотит турк» асаридаги шеърлар юзасидан олиб борган кузатишларимиз ҳам шу фикрни тасдиқлайди.

Шундай қилиб, «Девону луғотит турк» асари материаллари таҳлили жараёнида қуйидаги ҳолатлар кузатилиши маълум бўлади:

1. Фонетик сатҳда кузатиладиган ҳолатлар:

Эрән ізіп сөкә турді

Башиі бојнін сөкә турді

Уфут **болуп** бўкә турді

Узу қама тібән тігді (III т., 250-б.).

Мазмуни: “Енгилган одамни англаиб айтади: у менга бир қанча одамларни юборди. Улар ёнимда тиз чўкиб ўтирдилар. У бошлиқлари қилган ишига уялиб, бошини қуйи солди, бўйнин эгди, халқдан уялиб яширинди. Шошилиб менга келиб: мени таъқиб қилма, деди. Мен ҳам мувофиқ топдим” (III т., 250-б.).

Шеърнинг иккинчи мисрасидаги «баші бојнін» бирикмасида биринчи сўз *башіні* бўлиши керак эди. Бироқ бунда ритм талаби бузиларди. Шунинг учун кейинги қисм туширилган.

Қуйидаги шеър охирги мисрасидаги «*тілда(н)*» шакли эса таржимон тузатиши билан боғлиқ:

Јај көркіўа інанма,
Суwлар ўзә тајанма.
Эсізілігір аунма,

Тілда(н) чіқар эзгў сөз (III т., 176-б.).

Мазмуни: “Баҳор кўркига, унинг ранг-баранг гулларига, чиройлигига ишонма, ундан яхшилик умид қилма. Сувга таянма, чунки дунё неъматларининг ширинлигига, баҳор гўзаллигига суянган кишилар сувга суянганлар кабидир. Ёмонликка одатланма. Тилингдан доим халқ сендан миннатдор бўладиган яхши сўзлар чиқар” (III т., 176-б.).

Келтирилаётган қуйидаги шеърда охирги мисра сўнгги сўзи (равишдош кўшимчаси) таркибидаги *ў* фонетик-ритмик хусусият билан характерланади:

Тумліғ кәліб қапсаді,
Қутлуғ јајіғ тәпсәді,
Қарлаб ажун јапсаді,
Эт јін ўшўб ***эпрішўр*** (I т., 430-б.).

Мазмуни: “Совуқ келиб ҳамма ёқни қоплади. У баракатли ёзга ҳасад қилиб, қор ёғдирди. Қор бутун ерни қоплай деб қолди. Кишининг баданлари увишиб қалтирайди, гўё баданда чумоли юрганга ўхшайди”. [Совуқ келиб қоплади. Қутлуғ ёзни ҳайдади. Қор дунёни қоплаб олди. Кишининг баданлари увишиб қалтирайди] (I т., 430-б.).

Шунингдек, ***тумліғ*** сўзи ҳам икки хил шаклга эга. Уни шарҳлаш учун қуйидаги парчага мурожаат этиш ўринли ҳисобланди:

Турған улуғ ішлақа
Тіркі уруб ашлақа
Тумлуғ қадір кішлақа
Қозті эріг умдуру (II т., 58-б.).

Мазмуни: “Бир одам ҳақида ачиниб айтади: У одам улуғ ишларга чидам билан туриш берадиган эди. Дастурхони қаттиқ кишларда очиқ эди, одамларни ўзининг яхшиликларидан умидвор қилиб ташлаб кетди”. (II т., 58-б.).

Шеъринг парчалар қиёсланганда, *совуқ* маъносидаги сўз икки хил қўллангани намоён бўлади: ***тумліғ***/ тумлуғ. Бу ҳам поэтик оҳангдошликка алоқадор. Зеро, сўзнинг биринчи шакли ишлатилган ўринда кейинги сўзлар таркибида *л* ва *и* талаффузи етакчи бўлса, иккинчисида эса кейинги сўзлар олдингисига оҳангдош товушлар қуршовидан иборат тузилмага эга эмас. Уларнинг икки хил шаклда ифодаланганини шу хусусият билан изоҳлаш мумкин.

«Девон»даги бир шеърда қўлланган «сэнда» шаклида келган сўз маъносига кўра, нутқ жараёнида «сен келганда» мазмунини беради. Чунки у сўзловчилар ўртасидаги баҳс-мунозаранинг икки жиҳатига қаратилган фикр

баёнида ишлатилмоқда. Шунга асосланиб, айтиш мумкинки, олмошлар антонимик жуфтлигида макондан чиқиш маъноси эмас, балки пайт маъноси устувор. Бу ҳолат олмошлар мазкур шакллариининг фонетик-ритмик талаб тақозоси билан ҳосил қилинганидан далолат беради:

Сэндә қачар сундїлач,
Мэндә тїнар қарғїлач,
Татлїғ отар сундувач,
Эркәк тїшї учрашур (I т., 481-б.).

Мазмуни: “Шоир ёз ва қишнинг мунозарасини таърифлайди. Ёз қишга айтади: саъва сендан қочади, менда қалдирғоч роҳатланади. Булбул турли нағмаси билан севинтиради. Менда (ёзда) эркак ва урғочи жуфтлашади”.

[Сендан сундилоч куши қочади, менда қарғїлач тинади, роҳат топади, яйрайди. Булбуллар ёқимли сайрайдилар] (I т., 481-б.).

«Девону луғотит турк» материалларида солецизм характерида бўлмаган «хатолик»лар ҳам кузатилади. Масалан, қуйидаги шеърда қўлланган *јағмурїн* сўзи ҳозир бу шаклда ёзилмайди ва талаффуз этилмайди. Чунки, М.Кошғарийнинг таъкидлашича, ўша даврда унинг икки хил шакли бўлган ва турли ҳудудларда турлича қўлланилган. Қиёсланг:

Қудї булут *јағмурїн*
Кәріб тутар ақ торїн
Қірқа қозтї ол қарїн
Ақїн ақар аўрашур (III т., 46-б.).

Мазмуни: “Булут оқ тўрини ёйиб, осмонга ёмғирини қуйди. Қорларини у тоғларга ташлади. Тоғдан ҳайқириб сел оқаётир” (III т., 46-б.).

2. Лексик сатҳда кузатиладиган солецизмлар:

Анїў ишїн кәчўрдўм,
Эшїн јїмә қачурдум,
Олўм отїн ічўрдўм,
Ічті болуб јўзі тәрїн (I том, 82-б.).

Мазмуни: “Унинг ишини битирдим, ҳамроҳини ҳам қочирдим. Ўлим оғусини ичирдим, юзини бўриштирган ҳолда ичди”.

[Уни ўлдириб, ишини бартараф қилдим ва ҳамроҳини (дўстини) қочирдим; ўлим шарбатини тоттирдим, юзини буриштирган ҳолда ичди] (I том, 82-б.).

Кїмі ічрә олдуруп,
Јла суwїн кәчтїмїз.
Ујғур таба башланїп,
Мїўлақ **элїн ачтїмїз** (III т., 253-б.).

Мазмуни: “Кемага ўтириб, Ила сувидан ўтдик (Ила – катта бир анҳордир). Сўнг уйғурлар томонга юзландик, ҳаттоки, Минглоқ юртини очдик” (III т., 253-б.).

Кўринадиги, *Олўм отїн, элїн ачтїмїз* жумлалари лексик солецизмлардир.

Лексик-этимологик характердаги солецизмлар *жигар* ўрнида *онкә*, *уч марта* ўрнида *оттуз* сўзлари келишида кўзга ташланади:

Опкәм кәліб оғрадīm,
Арсланлају көкрәдīm,
Алплар башін тоғрадīm,
Эмді мәні кім тутар (I т., 146-б.).

Мазмуни: “Душманга қарши ғазаб билан, нафрат билан хезландим, арслонлар каби наъра тортдим, ботирларнинг бошларини тилмаладим, сўнг маърака ўртасида, “эмди мени ким тута олади?” деб бақирдим”.

[Аччиғим келиб (душманга қарши) хезландим, асрлон каби бўқирдим, ботирларнинг бошларини кесдим, (қани) эмди мени ким тута олади?] (I т., 146-б.).

Яна қиёсланг:

Отмуз ічіб қіқралīm,
Јоқар қобуб сәкрәлім,
Арсланлају көкрәлім,
Қачті сақінч сәwnәлім (I т., 160-б.).

Мазмуни: “Уч қайтадан ичайлик, тикланиб асрлон каби наъра тортайлик. Қайғу-алам биздан йўқолганини кўрсатайлик”. [Уч қайтадан ичиб қайтарайлик, парвоз қилиб сакрайлик, асрлонкаби наъра тортайлик, қайғу кўтарилди, севинайлик]. Шу шеърдаги ўттиз ичиб иборасида ўттиз сўзи уч қайтадан, учта-учтадан маъносида қўлланган (I т., 160-б.).

3. Морфологик сатҳда кузатиладиган солецизмлар:

Тэгўр мәніў sawīmī bilralira aj,
Тінар қалі ататса қісрақ сіні тај (III т., 173-б.).

Мазмуни: “Менинг сўзимни ақллиларга етказ. Агар биянинг тойчаси от бўлса, бия тинади. Чунки онаси ўрнига уни минилади” (III т., 173-б.).

Шеърда қўлланган *bilralira* сўзи келишик шаклида от вазифасини бажармоқда.

Қуйидаги шеърий парчада эса, у *киши* сўзи билан биргаликда келганки, бу билдирилган фикримиз тўғрилигини бемалол исботлайди:

Көлўм қумі қопса қалі таміғ ітәр,
Көрсә ані білкә кіші созга бўтәр (III т., 151-б.).

Мазмуни: “Агар қўлим тўлқинланса, уйларимни уриб, жойидан қўзғатиб йикитиб юборади, ўз кўзи билан кўрган эсли одам сўзимга ишонади” (III т., 151-б.).

Морфологик сатҳда кузатиладиган яна бир ҳолат келишиклар синонимияси билан боғлиқ. Қиёсланг:

Bilra эрән sawларін алғіл өгўт,
Эзгў сәwіғ элсаса озгә сіўәр (III т., 169-б.).

Мазмуни: “Билағон одамларнинг сўз, насиҳатларидан фойдалан. Чунки яхши сўз таъсир қилгач, дилга жойлашади” (III т., 169-б.).

Қуйидаги шеърда эса икки хил ҳолат кузатилади. Биринчиси *қайиқ* сўзининг ёзилиши ва талаффузи билан боғлиқ бўлса, иккинчиси мазкур ўринда –*дай* қўшимчасининг йўқлигидир. Тўғри, бу фанда стилистик томондан ўрганилган ва истиора термини билан номланган. Аммо ушбу ўринда мазкур мисолни истиора сифатида шарҳлаб бўлмайди. Чунки *болуб*

сўзи – *дай* кўшимчасини талаб этади. Бироқ поэтик талаб бўйича мисраларнинг бирлиги ва тиғизлиги унинг туширилишига олиб келган ҳамда шеър маъноси бузилмаган ҳолда белгисиз қўлланиш ҳосил бўлган: Қиёсланг:

Қар, буз камуғ эрўшді,
Тағлар суwи акішді,
Көкшін булїт өрўшді,
Қажуғ болуб эгрїшўр (I т., 195-б.).

Мазмуни: “Ўзни таърифлаб ёзади: қор ва музлар ҳаммаси эриди, тоғларнинг суви окди. Осмонда кўк булутлар пайдо бўлди. Улар қайиқлар сувда ўйнаганига ўхшаб сузишади” (I т., 195-б.).

Кўмакчи синонимияси билан боғлиқ бўлган солецизмлар ҳам кузатилади.

-*ла* кўшимчаси ва *билан* (*биланоқ*) сўзи масаласида шуни таъкидлаш лозимки, мазкур кўшимча ҳаракат-ҳолатнинг такрорланиши ва таъкидлаш маъноларини бериш учун ишлатилган. Бинобарин, *тўнла* сўзи тундаёк маъносидадир [қаранг: Муталлибов, 52]:

Тўн*ла* *била* кўчалім
Жамар суwін кэчәлім
Тэрәўўк суwін ічәлім
Јуwға јағї уwулсун (II т., 12-б.).

Мазмуни: “Кечаси билан кўчайлик. Ямар сувини кечайлик, бу бир водийдир. Қайнаб чиқаётган сувини ичайлик. Бизга итоат қилмайдиган душман парча-парча бўлсин”. (II т., 12-б.).

4. Синтактик сатҳда кузатиладиган солецизмлар:

Алғўл өгўт мэндін, оғул эрдәм тіла,
Бојда улуғ білға болуб, білгіў ула (I т., 85-б.).

Мазмуни: “Ўғил, мендан ўгит ол, фазилат тила, эл-юрт орасида улуғ олим бўл, илмингни тарқат”. [Эй ўғлим, мендан ўгит-насихат ол, одобли ва тарбияли бўлишга тириш, токи эл ичида зўр олим бўлиб танил ва улар орасида одоб ва илм тарқат] (I т., 85-б.).

Шеърдаги инверсион-поэтик тизим “Ўғил, мендан ўгит ол, фазилат тила, эл-юрт орасида улуғ олим бўл, илмингни тарқат” шаклининг шеърый (ритмик-композицион қолипга кирган) ифодасидир. Бу ҳолат уни синтактик солецизим сифатида баҳолаш мумкинлигини кўрсатади, албатта.

Юқорида баён қилинганлар асосида қуйидаги дастлабки хулосаларга келиш мумкин бўлади:

- солецизм лингвистик ҳодиса сифатида тилнинг у ёки бу сатҳи (умуман, тилнинг) тараққиёти қандай ҳолатда эканлиги ва унинг кейинги йўналишини прогнозлаш (олидиндан фикр билдириш имкони) учун замин ҳозирлайди;

- биз тадқиқот манбаи қилиб олган «Девону луғотит турк» материалларида солецизмнинг фонетик, лексик, грамматик турлари учрайдики, бу ҳолат ўша даврда ҳам шеърят техникасига амал қилиш тил меъёр ва қонун-қоидаларидан устувор бўлганлигини кўрсатади;

- «Девону луғотит турк» материалларида солецизм сифатида қараб, хатоликка йўл қўймаслик лозим бўлган ҳолатлар ҳам кузатилади. Бу, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, кўпроқ фонетик сатҳга алоқадордир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Солецизм ҳақида маълумот олиш учун қаранг: Академическая грамматика русского языка. 2-том. – Москва, 1980; Балахонова Л.И., Войнова Л.А. Солецизм //Словарь современного русского литературного языка. – Москва: 1963; Евгеньева А.Г., Разумникова Г.А. Солецизм // Словарь русского языка. –Москва, 1988; Валин Б.М.,Ушаков Д.Н. Солецизм //Толковый словарь русского языка. –Москва, 1940; Прохоров А.М., Байбаков Н.К. Солецизм // Большая советская энциклопедия. –Москва, 1976; Прохоров А.М., Жуков Е.М. Солецизм //Советский энциклопедический словарь. –Москва, 1979; Словарь иностранных слов. –Москва. Русский язык. 1985; Кожевникова В.М., Николаева П.А. Солецизм // Литературный энциклопедический словарь. –Москва, 1987.

2. Муталлибов С. Девон таржимаси ва транскрипция ҳақида // М.Кошғарий. Девону луғотит турк. Уч томлик, 1 том. –Т., 1960; Девону луғотит турк. Индекс-луғат. (Ғ.Абдурахмонов ва С.Муталлибовлар иштироки ва таҳрири остида) . –Т., 1967; Неъматов Ҳ. Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси. – Т., 1992; Тўйчибоев Б. Ўзбек тили тарихий фонетикаси. – Т., 1990; Маҳмудов Қ. XIII-XIV аср ёзма обидалари тилининг фонетик системаси. – Т., 1990; Усмонов Қ. Туркий тилларнинг қиёсий тарихий фонетикаси. – С., 2001; Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Т., 1973; Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тили грамматикаси. – Т., 1996.

3. Муталлибов С.М. Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк. – Т., 1959.

4. Кошғарий М. Девону луғотит турк. Уч томлик, 1 том. –Т., 1960; Кошғарий М. Девону луғотит турк. Уч томлик. III том. – Т., Фан, 1963.